

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ**

А Ж Р И М И

№ 4-1-1401-2006/498-2021

2021 йил февраль ойининг 12 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, видеоконференцалоқа тизими орқали очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Т.Кодиров, ҳайъат судьялари О.Пардаев ва Ж.Ботировдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Мирзаеванинг котибалигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори Ш.Джураев, судланувчи С.Б. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Сарибоев, жабрланувчилар ХХ ва ХХлар ҳамда уларнинг ҳимоячиси – адвокат С.Миргиясовларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2020 йил 2 ноябрдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан судланувчи,

С.Б. – 1985 йил 24 ноябрда Россия Федерациясида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, Самарқанд шаҳар “Real Condition” МЧЖ директори бўлиб ишлаган, Пастдарғом тумани, Чархин шаҳарчаси, “М.Улуғбек” МФЙга қарашли “Боғ” кўчаси, 5-уйда рўйхатда туриб, Самарқанд шаҳар, “Ғиждувон” кўчаси, 3-уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм юзасидан судланувчи С.Б. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Қорабоев ҳамда жабрланувчи ХХ ва ХХлар томонидан келтирилган апелляция тартибидаги шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни;

а н и қ л а д и :

С.Б.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.Б. ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, жабрланувчи ХХни ишончига кириб, 7.000 АҚШ доллар эвазига ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “Real Condition” масъулияти чекланган жамият орқали, уни Канада давлатига ишга юборишликни, у ерда ярмарка орқали катта миқдордаги ойлик иш ҳақи тўланадиган ишга жойлаштириб ва иш билан таъминлаб беришликни ваъда қилиш йўли билан ишончини суиистеъмол қилиб, 2018 йил октябрь ойининг бошларида Самарқанд шаҳар, Спитаменшоҳ кўчаси, 100-уйда жойлашган “Real Condition” МЧЖ биносида келишилган пуллардан анча миқдордаги Миллий валютаси ҳисобида 40.898.300 сўмга тенг бўлган 5.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, С.Б. ўзининг жинойи хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, жабрланувчи ХХни ишончига кириб, унга грин-карта ютуғи чиққанлигини, шу сабабли 6.000 АҚШ доллар эвазига АҚШ давлатига юборишлик учун виза олиб бериш ва элчихонадан суҳбатдан ўтказиб беришни ваъда қилиш йўли билан ишончини суиистеъмол қилиб, 2018 йил октябрь ойининг охирларида Самарқанд шаҳар, Спитаменшоҳ кўчаси, 100-



уйда жойлашган “Real Condition” МЧЖ биносида олдиндан келишилган пуллардан Миллий валютаси ҳисобида 24.710.610 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ долларини қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судланувчи С.Б. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Қорабоевнинг апелляция шикоятда, фирибгарлик жиноятини содир этмаганлиги, ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги ҳамда жабрланувчи ХХ ва ХХлар унга тухмат қилаётганлиги сабабли, оқлашни сўрашган.

Жабрланувчи ХХ ва ХХлар апелляция шикоятда, биринчи инстанция суди судланувчи С.Б.га нисбатан бир қадар енгил жазо тайинлаганлиги сабабли, суд ҳукмини ўзгартириб, оғирроқ жазо тайинлашни ҳамда жиноятга алоқадор укаси С.Санакуловнинг ҳаракатларига қонуний баҳо беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Ж.Ботировнинг маърузасини, прокурор Ш.Джураевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги, жабрланувчи ХХ ва ХХлар апелляция шикоятини қувватлаб, шикоятни қаноатлантириш, С.Б. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Қорабоевнинг томонидан келтирилган шикоятини рад қилиш ҳақидаги, С.Б. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Сарибоевнинг апелляция шикоятини қувватлаб, шикоятни қаноатлантириш, жабрланувчи ХХ ва ХХлар томонидан келтирилган шикоятини рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятларида келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятларни қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

С.Б.нинг жиноят содир этишдаги айби, унинг ўз айбига қисман иқрорлигини билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, судда сўралган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, жабрланувчи ХХ ва ХХларнинг аризалари, чет давлатга кетиш учун расмийлаштирилган ҳужжатлар, С.Б.ни “...ХХга грин-картадан ютуқ чиққанлиги эвазига элчихонагача ҳужжатлар расмийлаштириб бериши учун олган 3.000 АҚШ долларини қайтариб бериши тўғрисида”ги, ХХни “...Канада давлатига виза олиши учун ҳужжатлар расмийлаштириб беришга деб 5.000 АҚШ доллари олиб, ваъдасини бажармаганлиги ва қолган 4.000 АҚШ долларини қайтариши тўғрисида”ги тилхатлари, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган холисона далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи С.Б.нинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

С.Б. ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Қорабоевнинг шикоятдаги, фирибгарлик жиноятини содир этмаганлиги, ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги ҳамда жабрланувчи ХХ ва ХХлар унга нисбатан тухмат қилишаётганлиги сабабли, оқлаш ҳақидаги вазлар билан келишиб бўлмайди.

Чунки, С.Б.нинг фирибгарлик, яъни такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчи ХХнинг “...2017 йил октябрь-ноябрь ойларида Самарқанд шаҳар, М.Улуғбек кўчаси, 1-сонли Туғрук мажмуаси ёнида жойлашган, тўрт қаватли бионинг биринчи қаватида жойлашган “Грин-Карт” офисига бориб у ерда “Грин-карт” лотореяси ўйнаб, келгусида ютуқ чиқадиган бўлса, АҚШга кетиш мақсади бўлганлиги, ушбу “Грин-карт” ўйинини ўйнаш учун борганида ўша пайтда С.Санакулов уни кутиб олиб, ушбу ўйинни ўйнатганлиги, сўнг унинг қўл телефонида 2018 йил май ойида қўнғироқ бўлиб, ўзини С.Б. деб таништириб унга “Грин-карт” ўйинида иштирок этганлигини, унга ютуқ чиққанлигини маълум қилганлиги, у С.Б.дан қандай харажатлари ва ҳужжатлар расмийлаштириш кераклигини сўраган вақтида, С.Б. унга ушбу офисда АҚШга жўнатиши учун ҳужжат расмийлаштириш ва хизмат ҳақи барчаси учун 6.000 АҚШ доллари бўлишлигини, унга ҳужжатларини расмийлаштириб, элчихонадан ҳам ўтказиб, АҚШ давлатига юборишини, агарда рози бўлиб пулни берса



ишни бошлашгани маълум қилганлиги, сўнг С.Б. ундан зудлик билан 2018 йилнинг май ойининг охиригача 3.000 АҚШ доллари беришини сўраганлиги ва виза олиб бериб ютук бўлганидан сўнг қолган 3.000 АҚШ долларини беришини айтганлиги, сўнг у ўзига тегишли бўлган тилла тақинчоқларни жами 1.500 АҚШ долларига сотганлиги, ушбу пулни олиб С.Б.га акаси Хусенов Хусен иккаласи С.Б.нинг офисига бориб унинг қўлига бериб келганлиги, у ушбу пулларни май ойининг охирида С.Б. билан С.С.га АҚШ давлатига кетишлиги учун ҳужжатларини қилиб беришни ва охиригача ўзи туриб бериб, элчихонадан ҳам ўтказиб беришни айтиб уни ишонтирганлиги учун берганлиги, сўнг турмуш ўртоғи Х.Саидмуродов РФдан қайтиб келиб, ўзлари яшаб келадиган Самарқанд шаҳар, “Локатор” кўчасида жойлашган янги қурилган ҳовли жойини С.Б. сўраган пулларни тезроқ етказиб бериш мақсадида сотиб ушбу уйнинг пулидан турмуш ўртоғи иккаласи С.Б.нинг офисига қолган 1.500 АҚШ доллари пулни 2018 йил октябрь-ноябрь ойларида олиб бориб беришганлиги, сўнг у оила аъзолари билан биргаликда 2019 йил 8 август куни Тошкент шаҳрига АҚШ элчихонасига киришганлиги, киришларидан олдин С.Б. билан укаси С.С. унинг қўлига барча тайёрлаган ҳужжатларини бериб, ўзлари ҳам улар билан биргаликда Тошкент шаҳрига элчихонага боришлигини ва элчихонадан ўзлари уларни ўтказиб беришлигини ва АҚШга юборишларини айтишганлиги, шундан сўнг улар С.Б. ва С.С.лар билан биргаликда Тошкент шаҳрига элчихонага боришганлиги, уларни у ерда элчилар кутиб олишиб, ойна ортидан элчи оилавий савол-жавоб қилишганлиги, савол-жавоб қилиб бўлишгандан сўнг орадан бир оз вақт ўтиб уларнинг манзилига АҚШга юбормаслик бўйича рад жавоби келганлиги, сўнг у элчихонани жавобини олганидан кейин АҚШга кетиш рад этилганлигини билиб ҳайрон қолганлиги, чунки С.Б. ва С.С. уларга элчихонадан ўтказиб беришларини айтиб уларни ишонтирганлиги, шу сабабли ҳам улар билан биргаликда элчихонага боришганлиги, у улардан пулларини қайтариб беришларини сўраганида, улар пулларни 2019 йил 30 сентябрь кунига қадар қайтариб беришлигини маълум қилганлиги, сўнг унга 3.000 АҚШ доллари миқдоридан қарз олганлигини таъкидлаб тилхат ёзиб берганлиги, кейин у тилхатда фақат АҚШга виза тўғрида бериш учун 3.000 АҚШ доллари олганлигини ёзиб бериб қолганини ёзмаганлиги, тез кунларда пулларини тўғрида беришини айтиб яна уни ишонтирганлиги, уларни сарсон қилиб, АҚШга жўнатмасдан, уни алдаб берган пулларни ҳам қайтариб бермасдан келганлиги ҳақида”ги;

- дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчи ХХнинг “...у 5.000 АҚШ доллари пулларни 2018 йил октябрь ойида акаси ХХ иккаласи С.Б.нинг ишхонасига олиб бориб, уни Канада давлатига ҳужжатларни тайёрлаб, яхши маош тўланадиган ишга юборишни айтганлиги учун берганлиги, улар кўз олдида акасининг гувоҳлигида 5.000 АҚШ доллари пулларни санаб олганлиги, пулни С.С. билан С.Б. санаб олишганлиги, С.С. пулларни санаб олиб уни акасига берганлиги, сўнг улар уни 2019 йил март ойига қадар Канада давлатига учиб кетишини айтишганлиги, сўнг С.Б. билан укаси унга жавоби келишини, кутиб туришини айтишганлиги, аммо элчихона бирданига рад жавобини берганлиги, элчихона рад жавобини берганидан сўнг у С.Б.дан берган пулларини қайтариб беришини сўраганлиги, у унга ҳар сафар беришини айтиб алдаб келганлиги, терговга қадар 5.000 АҚШ долларидан 1.000 АҚШ долларини қайтариб берганлиги, С.Б. ўзи унга агарда Канада давлатига юборолмаса берган пулларини қайтариб беришини айтганлиги, лекин у берган ваъдаларининг устидан чиқмаганлиги, ҳозирги кунга қадар алдаб пулларини қайтариб бермасдан келаётганлиги ҳақида”ги;

- дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ Б.Мустафаевнинг “... у 2019 йил 5 январь куни Самарқанд шаҳар, Саттепо массиви, Туркистон кўчаси, 62-уйда “My house group” МЧЖни ташкил қилиб, ўзи мазкур МЧЖда бугунги кунда таъсисчи бўлиб ишлаб келаётганлиги, у танишиб чиққан ХХнинг ҳужжатларда офис томонидан грин-карта учун юқоридаги таъкидланган ҳужжатлар тўпланганлиги, таржима қилиниб берилганлиги, оилавий суҳбатга киришганлиги аниқланганлиги, ХХни тушунтириш бўйича элчи томонидан расм ўйин талабларига мувофиқ келмаслиги сабабли қайтарилганлиги маълум бўлганлиги, унинг қайтарилган



хужжатларида элчихона томонидан бошқа сабаблар деб кўрсатилганлиги, расми ўйин талабига жавоб бермаганлиги ҳам бўлиши мумкинлиги, ҳар йили дастурнинг йўриқномаси чиқарилиши, ушбу йўриқномада, расмга тушиш тартиби, талаблар барча барчаси ёзиб қўйилганлиги, расмга тушиш тартиби оқ фонда, 5*5 ҳажмда, юзга соя тушмаган, ранглар кўчирилмаган ҳолатда, оқ кийимда бўлмаган, фотосурат талаб қилинишини, фотосурат охириги олти ой муддатда тушган бўлиши кераклиги, шунингдек грин-карта ўйини учун хужжатларни тайёрлаб беришликка кетадиган бўлса 300.000 сўм миқдорида пул кетиши мумкинлиги, ундан ошмаслиги, қолган пуллар миқоздан ўзининг фойдаси учун олинишини, иш хужжатларида мавжуд бўлган инглиз тилидаги хужжатларнинг ҳаммаси таржима ҳисобланишини, бундан ташқари унга тақдим қилинган хужжатларда ХХ билан жамият ўртасида шартнома расмийлаштирилмаганлиги аниқланганлиги, 3000 АҚШ долларини қаерга ва қандай мақсадларда ишлатилганлиги тўғрисида бирор бир фактлар мавжуд эмаслиги, бу ҳолатда фуқаро билан жамият ўзаро келишиб ушбу пулга келишган бўлиши мумкинлиги, лекин дастур талабларини бажариб, ютуқни ютиб, элчихонага суҳбатга киргунга қадар 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар харажат учун кетмаслиги ҳақида”ги кўрсатувлари ҳамда иш хужжатларидаги тўпланган юқорида қайд этилган ҳолисона далиллар билан ўз тасдиғини топган.

Шунингдек, ҳимоячи – адвокат Ж.Сарибоевнинг Канада давлатида жойлашган “Explore World Corporation” фирмаси билан “Real Condition” МЧЖ ўртасида ишга юборишлик тўғрисидаги шартнома мавжудлиги ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди.

Мазкур шартноманинг 6.1 банди талабига кўра, шартномани амал қилиш муддати 2017 йил 31 декабрь кунига қадар қайд этилган.

Иш хужжатлари таҳлил қилинганида, судланувчи С.Б. 2018 йил октябрь ойида жабрланувчи ХХ ва ХХларни АҚШ ва Канада давлатларига юборишни ваъда қилган.

Бундан кўринадики мазкур шартнома амал қилиш муддати тугагандан сўнг уларни чет давлатга юборишни ваъда қилган ҳолати фирибгарлик жиноятини содир этишининг бир усулидир.

Бундан ташқари, жабрланувчи ХХ ва ХХлар апелляция шикоятларидаги, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи С.Б.га нисбатан бир қадар енгил жазо тайинлаганлиги сабабли, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириб, судланувчи С.Б.га нисбатан оғирроқ жазо тайинлаш ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди.

Чунки, биринчи инстанция суди томонидан С.Б.га нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “...Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб;

- мазкур Пленум Қарорининг 26-бандида, “...Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланиши ҳақида”ги тушунтиришларга амал қилган ҳолда, унинг шахсини, оилавий шароитини, ҳамда содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхташга келган.

Шунингдек, жабрланувчи ХХ ва ХХнинг апелляция шикоятларидаги, жиноятга алоқадор С.Санакуловнинг ҳаракатларига қонуний баҳо бериш ҳақидаги важлар ҳам билан келишиб бўлмайди.

Чунки, иш хужжатлари таҳлил қилинганида, Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги тергов бўлимининг 2020 йил 1 августдаги жиноят ишининг бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги қарорига кўра, С.С.ни ҳаракатларида жиноят аломатлари



аниқланмаганлиги сабабли, жиноят ишини унга нисбатан бўлган қисми қонуний ва асосли ҳаракатдан тугатилган.

Шу боис, судлов ҳайъати шикоятлардаги важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497²⁶ ва 497³¹ -моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди

а ж р и м қ и л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2020 йил 2 ноябрдаги **С.Б.** га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция тартибдаги шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	(Имзо)	Т. Кодиров
Ҳайъат судьялари:	(Имзо)	О. Пардаев
	(Имзо)	Ж. Ботиров
Аслига тўғри:		

